

Амонуллох МУСО,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар”
кафедраси катта ўқитувчиси,

Шокирхон РУСТАМ ХЎЖА,
Халқаро Бобуршоҳ мукофоти
совриндори atopnoma46@mail.ru,
shakirxojamakkiy@mail.ru

«БОБУРНОМА»НИ АНГЛАШ САОДАТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг шоҳ асари бўлмиш وقایع “Вақоеъ” – «Бобурнома» жаҳоннинг 30 дан ортиқ асосий тилларига таржима қилингани маълум. Бу асар туркийда ёзилган бўлса-да, унда арабий ва форсий иборалар ҳам бисёр эканидан аёнки, Бобуршоҳ шу уччала тилларни ҳам жуда мукамал билганидан далолат қилади.

Мазкур қомусий асардаги бир форсий ибора ҳақида баҳс-мулоҳазаларимизни баён этар эканмиз, ватанимизда нашр қилинган асардан қуйидаги кўчирмага диққат-эътибор беришингизни хоҳлар эдик:

«(181a)... Яна Муҳаммад Солиҳ эди, чошилиқ газаллари бор, агарчи ҳамворлиги чошисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сўнгра Шайбонийхон қошига келиб эди, филжумла риоят қилиб эди. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий битибтур. «Рамали мусаддаси махбун» вазнидаким, «Субҳа» вазни бўлғай, бисёр сушт ва фурудтур, ани ўқугон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин безътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

“Бўлди Танбалга ватан Фаргона,
Қилди Фаргонани танбалхона”.

Андижон вилоятини “Танбалхона” ҳам дерлар, ул маснавийда мунча байт маълум

эмаским, бўлғай. Шарир ва золимбаъ ва бераҳм киши эди». // [“Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома / масъул муҳаррир В. Раҳмонов. Тошкент: Шарқ, 2002. 334 б., 32 б. зарварақ. (Бобур номли халқаро жамғарма)” китобидан олинди].

Юқоридаги кўчирмадан «Субҳа» вазни бўлғай иборасига эътибор қаратайлик. Асл манбаъ “Бобурнома” – وقایع “Вақоеъ”да ушбу ибора арабий ёзувда бундай ёзилган: {سبحه زنى} {بولغای} (“субҳазани” бўлғой); асло («Субҳа» вазни бўлғай) эмас! Зеро, форсча {سبحه زدن} (субҳа задан) – тасбеҳ ўғирмоқ феълидан ҳосил бўлган масдари – {سبحه زنى} (субҳа зани) бўлиб, – тасбеҳ ўғириши, тасбеҳ ўғиришликни англатади. Арабча “субҳа” – тасбеҳ шодасини билдиради. Мазкур форсий иборада сўз ўйини мавжуд; ўйиндан мурод – Шайбонийхоннинг битиган маснавийси гўё «тасбеҳ ўғириши» каби, яъни “бефойда иш қилган”дек, яъни – ипга тизилган тасбеҳ тошларини бир томондан бошқасига ўтказгандек бенафъ, бефойда иш қилган (тасбеҳ тошлари озайиб ҳам, кўпайиб ҳам қолмайдиган иш), демоқчи...

Тасбеҳдан фойдаланувчи муъмин биродарларимиз кечирсинлар, биз асло тасбеҳ ўғириш бефойда иш демоқчи эмасмиз, ахир тасбеҳ ўғириш ҳам бир ибодат тури воситаси

эканини мутлақо инкор қила олмасмиз. Бобуршоҳни ҳам тўғри тушунмоқ истагимиз ҳам бундан кам эмас...

Бизнинг ожизона фикримизча, Муҳаммад Солиҳнинг шунча овора бўлиб ёзган маснавийси мазкур келтирилган биргина байти: “Бўлди Танбалга ватан Фаргона, * Қилди Фаргонани танбалхона”сига ҳам арзимас экан, деб тушуниб, янглишмаяпмиз шекилли?...

Ана энди юқоридаги форсий ибора ҳозирги ўзбек тилимизга қандай табдил қилинган эканини кўрайлик-чи: «Яна Муҳаммад Солиҳ эди. Ёқимли газаллари бор. Бироқ силлиқлиги мазасича эмас. Туркий шеъри ҳам бор. Ёмон ёзмайди. Кейинроқ Шайбонийхон қошига келган эди. Дарҳақиқат, ҳурмат ва эътибор қозонди. Шайбонийхонга атаб рамали мусаддаси махбун – “Субҳа” вазнида бир туркий дoston битган. Анча сушт ва бўштобдир. Уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солиҳ шеъриятидан кўнгли совийди. Бир яхши байти будир:

Бўлди Танбалга ватан Фаргона,
Қилди Фаргонани танбалхона.

Андижон вилоятини Танбалхона ҳам дейдилар. У маснавийда бундан яхши байт йўқ. Ярамас, золим табиатли ва бераҳм киши эди. // “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома – وقایع باير ЎзР. мустақиллигининг 17 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланади. [Таҳрир ҳайъати: А. Қажомов, Х. Султонов, Б. Алимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: М. Саъдий. Махсус муҳаррир: Н. Комилов / П. Шамсиев, С. Мирзаев, Эйжи Мано ва С. Ҳасанов нашрга тайёрлаган «Бобурнома» асарини ҳозирги ўзбек тилига В. Раҳмонов ва К. Муллахўжаева табдил қилган]. Тошкент: «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи (НМИУ), 2008. 288 б. Б. 140, II-устун; 29 см. (Сарлавҳа олдида: ЎзР. Фанлар Академияси, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Халқаро Бобур фонди)» китобидан олинди].

Ана шу форсий ибора рус тили М.Салье таржимасида: “В честь Шейбани хана Мухаммед Салих написал тюркское месневи в размере рамаль шестистопный усеченный, то есть в размере [поэмы Джами] «Четки»”. – Таржимаси: Шайбонийхоннинг шарафига Муҳаммад Солиҳ бир туркий маснавий битибдир: «Рамали мусаддаси махбун»

[Жомийнинг «Субҳа» достони – яъни, «Субҳату-л-аброр» – М.А. ва Ш.Р.] вазнида, дейилган. // [Бабур-наме Записки Бабур. / Перевод М.Салье, издание второе, доработанное. Общая редакция и доработка – члена-корреспондента АН РУ, лауреата премии им. Беруни и международной премии им. Джавахарлала Неру С.А. Азимджановой. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993. – 464 с. китобидан олинди].

Шуниси таажжубки, япон олими профессор Эйжи Мано жаноблари ҳам وقایع “Вақоеъ”ни ўзбек ва рус тилларига қилинган нашрларидан албатта фойдаланган бўлиши муқаррар ҳолда, {سبحه زنى} “Вақоеъ”нинг туркий матнига {سبحه زنى} [بولغاي] (субҳа [в]азни бўлғой) тарзида [و] вov ҳарфини кўшиб, катта кавс орасига киритиб кўйган. Натижада, юқоридаги каби, {سبحه زنى} {سبحه وزنى بولغاي} (“субҳа”зани бўлғой) → {سبحه وزنى بولغاي} (“субҳа» вазни бўлғой)га айланиб қолган! // [«Babur Zahir Al-Din Muhammad. Babur-Nama (Vaqa'yi'). Vol. I / Critical edition based on four chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto: Syokado, 1995. 670 p. Printed by Nakanishi Printing Co., Ltd., Kyoto, Japan», китобидан олинди].

Араб олимаси доктур Магда Салоҳ Махлуф хоним ҳам худди япон олими профессор Эйжи Мано сингари йўл тутган. Мана ул Хоним таржимасига эътибор қилайлик:

{مُحَمَّدٌ صَالِحٌ: لَهُ غَزَلِيَّاتٌ لَطِيفَةٌ. لَكِنَّهَا رَغْمَ لَطَافَتِهَا لَيْسَ بِهَا ذَوْقٌ. كَمَا أَنَّ لَهُ أَشْعَارًا بِالْتُرْكِيَّةِ لَيْسَتْ بِالرَّكِيَّةِ. قَصْدٌ فِيهَا بَعْدَ شَبَّانِي خَانَ، فَأُولَاهُ عَنَائَتًا، نَظْمٌ مَثْنَوِيًّا بِالْتُرْكِيَّةِ سَمَاهُ شَبَّانِي خَانَ مِنْ بَحْرِ الرَّمْلِ الْمَسْدُوسِ عَلَى وَزْنِ الْمُخَبُونِ⁽¹⁾، أَحَدِ أَوْزَانِ السُّبْحَةِ⁽²⁾. وَهُوَ نَظْمٌ يَعُوزُهُ الذَّوْقُ، مِنْ يَقْرَأُهُ لَا يَصْدُقُ أَنَّهُ لِمُحَمَّدٍ صَالِحٍ. لَكِنْ بِهِ بَيْتٌ يَقُولُ فِيهِ:

صَارَتْ فَرَّغَانَهُ وَطَنًا لَتَنْبُل⁽³⁾ * فَجَعَلَ مِنْهَا دَارًا لِلْكَسَلِ

وَكَانَ يُطْلِقُونَ عَلَى «أَنْدِيْجَان» كَذَلِكَ اسْمَ [لَتَنْبُلِ خَانَهُ] أَي دَارِ الْكَسَلِ. لَكِنْ لَا نَعْرِفُ سَبَبَ وَجُودِ

¹ الخين من الزحافات التي تدخل على الوزن الشعري والمخبون مشتق منه

² يقصد سُبْحَةُ الْأَخْبَارِ لِعَبْدِ الرَّحْمَنِ الْجَامِي

³ تَنْبُلُ بِمَعْنَى كَسُولٍ وَتَنْبُلُ هُوَ أَحْمَدُ تَنْبُلُ الْإِرَ ذَكَرَهُ

هَذَا البيت في المثنوى. وكان رجلا شريرا ظلما قاسيا. //
بأبرشاه، ظهير الدين محمد. تاريخ بأبرشاه المعروف ب
«بابرنامه». وقائع (فرغانه – كابل – الهند). تصنيف
بابرشاه. نقلها إلى العربية وقدّم لها و علّق عليها د/
ماجدة مخلوف ط ١، القاهرة: دار الآفاق العربية
٢٠١٢، ٣١٠، ٧٤٧ ص. ٥٧٣-٤٧٣ ص.

(Muhammad Ṣāliḥ: lahu g'azaliyyātun
laṭīfatun. Lakinnahā rag'ma laṭāfatihā laysa bihā
žavqun. Kamā 'anna lahu 'ash 'ārun bi-t-turkiyyati
laysat bi-r-rakīkati. Qaṣada fihā ba'du Ṣaybāni
Ḥān, fa'avlāhu 'ināyatan, naẓama maṣnaviyyan
bi-t-turkiyyati sammāhu Ṣaybāni Ḥān min baḥri-
r-ramali-l-musaddasi 'alā vazni-l-maḥbūni. 'ahadi
'avzāni-s-subḥati. Va huva naẓama ya 'ūzuhu-ž-
žavqu, man yaqra'uhu lā yuṣaddiqu 'annahu
li-Muḥammadin Ṣāliḥin. Lakinna bihi baytun
jayyidun yaqūlu fihī: Ṣārat Farg'ānah vaṭanan
li-Tanbali ... fa-ja'ala minhā dāran li-l-kasali.
Va kāna yutliqūna 'alā 'Andijāna ka-žālīka isma
[Tanbal ḥāna] 'ay dāru-l-kasali. Lakinna lā na'rifu
sababa vujūdi ḥāza-l-bayti fi-l-maṣnaviy. Va kāna
rajulan sharīran žālīman qāsiyan) – **Таржимаси:**
«Муҳаммад Солиҳ: Унинг ёқимли газаллари
бор. Ёқимли бўлгани билан, лекин, бемаза.
Шунингдек, унинг туркийдаги шеърлари ҳам
чакки эмас. Кейинчалик, Шайбонийхон ҳузурига
бориб, унинг меҳрини қозонди. Абдурахмон
Жомийнинг “Субҳату-л-ахбор”⁴ вазнларидан
бири бўлган рамали мусаддас баҳрининг
махбун вазнида туркийда бир маснавий ёзди
ва уни “Шайбонийхон” деб атади. (Махбун –
хубнинг бир тури. Хубн шеър вазнига қиравчи
зиҳоф. [яъни, шеър вазни талабига қўра
бўғиндаги унлини ўзгартириш: қўшиш ёки олиб
ташлашдир. – М.А. ва Ш.Р.]). Ва бу (маснавий)
тузсиз ва туссиз бир назмдирки, уни ўқиган
киши Муҳаммад Солиҳнинг иши эканлигига
ишонмайди. Лекин, баъзи бир яхши байтлар ҳам
учраб туради: “Бўлди Танбалга ватан Фаргона
* Қилди Фаргонани танбалхона”. Шунингдек,

⁴ Абдурахмон Жомийнинг мазкур асарининг номи
“Субҳату-л-ахбор” эмас, балки аслида “Субҳату-л-а-
бдор” деб номланган. Магда Салоҳ Махлуфнинг бу
хатоси – “дард устига чипқон” деганларидек, хато узра
хатоидир. (М.А. ва Ш.Р.)

Андижонни⁵ “Танбалхона” (яъни, дангасахона)
деб ҳам аташган. Лекин Маснавийдан мазкур
байтнинг жой олиш сабабини билмаймиз⁶. Ва
у ўта зolim ва ёвуз одам бўлган».

Юқоридаги мисоллардан кўриниб
туриптики, *“Вақоеъ”* даги мазкур: *سبحه زنى*
(*“субҳазани” бўлғой*) *بولغاي* ибора етарлича
тушунилмаган, ёки ул иборага *«қўшимча*
тузатиш» киритилиб, *«тўғрилланган»*
кўринадилар... Зеро, мавлоно Жалолиддин Румий:
«Ҳа, деган сўзни 27 хил оҳангда айтаман; яна
нима демоқчи бўлганимни, ўзим биламан», -
деган эдилар-да!

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,
замонамизнинг жонқуяр бобуршунос
олимларидан Н. Отажонов ва Д.
Ҳошимоваларнинг *“Вақоеъ”* – “Бобурнома”
асарининг инглиз тилига қилинган қатор
таржималар ҳақида олиб борган чуқур
тадқиқотлари зўр таҳсинга сазовор. Аммо,
мазкур *«سبحه زنى بولغاي»* (*“субҳа”зани бўлғой*)
ибораси тилга олинмаганини эслаб ўтиш
зарур, деб ўйлаймиз. Қаранг: [Отажонов Н.
«Бобурнома» – шарқ элчиси / Отажонов Н.,
Ҳошимова Д.; масъул муҳаррир: Ҳ. Болтабоев,
Ҳ. Қудратуллоев; [ЎзР Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Тошкент вилояти Давлат
педагогика ин-ти]. – Тш.: Mumtoz soʻz, 2010.
– 168 б.].

Бошқа тадқиқотчилар ҳақида ҳам ана
шундай фикрни айтиш жоиздир...

Маълумки, инсоннинг ҳар қандай амали
бенуқсон бўлмаслигини тан олган ҳолда,
бизнинг ушбу тадқиқотчамиз ҳам нуқсон ва
хатолардан холи эмаслигига иқроримиз...

Афсуски, *“Вақоеъ”*нинг Қозон, 1857 й.
(араб ёзувидаги) нашри ва шунингдек, бошқа
хорижий тилларга қандай ўтирилгани, ҳозирча,
бизга қоронғу. *«والله أعلم بالثواب»* *“Ва-л-лоҳу*
аъламу би-с-савоб” – Аллоҳу таоло тўғриси
билгувчироқдир...

⁵ “БН”да “Андижон вилояти” деб ёзилган. Магда Салоҳ
Махлуф хоним “вилояти”ни тушириб қолдиргани са-
бабли “Андижон [шаҳри]” деб тушинилмаган бўлиб
қолган. (М.А. ва Ш.Р.)

⁶ “БН”да асл матни – *«وقائع»* “Вақоеъ”даги *«اول مثنوي مودا»*
“Ул маснавийда мунча байт маъ-
лум эмаским, бўлғай” – яъни, “У маснавийда бундан
яхши байт йўқ” жумласини Магда Салоҳ Махлуф хо-
ним: “Лекин Маснавийдан мазкур байтнинг жой олиш
сабабини билмаймиз” деб тушунган. (М.А. ва Ш.Р.)

